

Jahon banki va O'zbekiston Respublikasi orasidagi 2016-2020 yillarga mo'ljallangan hamko'rlik strategiyasi Butun mamlakat maslahatlari

Ўзбекистон учун 2016-2020 йилларга мўлжалланган Мамлакат билан ҳамкорлик концепциясини (МХК) тайёрлаш мақсадида Жаҳон Банки Гуруҳи (ЖБГ) ҳозирги кунда асосий ҳамкорлар билан консултациялар ўтказмоқда. МХК ЖБ Гуруҳининг Ўзбекистонга унинг 2030 йилгача ўрта даромадли индустриаллашган мамлакат бўлишга эришиш йўлидаги ҳатти ҳаракатларига кўмагини ифодалайди.

Ўзбекистоннинг стратегик мақсади глобал рақобатбардошлик, индустриал модернизация ва диверсификация, хусусий секторни ривожлантириш ва такомиллашган корпоратив бошқарув орқали мамлакат ичида ижтимоий тенгликни сақлаб қолган ҳолда ўрта даромадли индустриаллашган мамлакатга айланишидан иборат. МХК мамлакатнинг узоқ муддатли истиқболдаги стратегик устувор йўналишлари ва регионал ва глобал таҳдидлардан келиб чиққан ҳолда унинг қисқа ва ўрта муддатли истиқболдаги эҳтиёжларига асосланади.

МХК ЖБ Гуруҳининг Ўзбекистон учун Мамлакат тизимли диагностикаси (МТД) га асосланган ва ўз мақсадларини МТД аниқлайдиган таҳдидларни ва устувор вазифаларни ечишга йўналтиради. У шу билан бирга ўз мақсадларини Ўзбекистоннинг миллий стратегиялари билан ҳам мувофиқлаштиради. МТД тўплаган маълумотлар ва унинг тақлифларидан келиб чиққан ҳолда, ўта қашшоқликни бартараф қилиш ва умумий фаровонликни янада яхшилаш борасида Ўзбекистон томонидан иқтисодиёт, атроф-муҳит ва ижтимоий масалаларда эришилган ютуқларни сақлаб қолишда мамлакатга ёрдам бериш мақсадида МХК дастури МТД томонидан бошқарув, инсон капитали ва алоқалар йўналишларида белгиланган бир қатор устувор вазифаларни селектив равишда бартараф қилади.

МХК консултациялари жараёни 2015 сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан мамлакатнинг ривожлантириш устувор йўналишлари ва таҳдидларининг стратегик муҳокамаси билан бошланди.

Онлайн консултация даври 2015 йил 6 октябр сешанба кунидан бошлаб то 2015 йил 6 ноябр сешанба кунигача давом этади.

Марҳамат қилиб тақлиф қилинган МХК тақдимотини кўриб чиқинг ва 2015 йил 3 ноябргача ўз фикр-мулоҳазаларингиз ёки тақлифларингизни электрон почта орқали tashkent@worldbank.org манзилига, почта орқали ёки шахсан ўзингиз Жаҳон Банкнинг Тошкентдаги ёки Вашингтондаги офисларига юборинг. Консултация жараёни бўйича саволларингиз бўлса уларни itsoy@worldbank.org манзили орқали Ирина Цойга мурожаат қилинг.

Онлайн консултациялар

2015 йил 3 ноябргача давом этадиган мазкур онлайн консултациялардан кўзланган мақсад мамлакат ичидаги ва халқаро миқёсдаги барча манфаатдор томонларнинг МХК концепцияси тақдими бўйича янада кенгроқ фикр-мулоҳаза ва изоҳларини олишдан иборат. МХК ни мамлакатнинг ривожлантириш мақсадларига янада уйғунлаштириш ва янада мақсадга йўналтирилган ва самарали ёрдам бериш мақсадида турли хил гуруҳлар ва шахсларнинг фикрларини кутиб қоламиз. Марҳамат қилиб ўз фикр-мулоҳазаларингиз ёки тақлифларингизни 2015 йил 3 ноябргача tashkent@worldbank.org электрон манзилига юборинг. Октябр ойида ЖБ Гуруҳи (илова қилинган) графикка асосан бир қатор вилоятларда юзма-юз консултациялар ўтказади. Консултация ва учрашувларда

қатнашишга қизиқиш билдирганлар марҳамат қилиб tashkent@worldbank.org электрон манзили орқали рўйхатдан ўтинлар.